

# 2014 йил январ-март ойларининг якунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари фаолияти тўғрисида

// 15.04.2014

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/otchet2014yanmar>

2014 йилнинг I чорак якунлари бўйича "Ўзкимёсаноат" корхоналарида 439,3 млрд.сўмлик товар маҳсулот ҳамда 44,0 млрд.сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

254,38 минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан 196,3 минг тонна азотли ўғитлар, 36,42 минг тонна фосфорли ўғитлар ва - 21,66 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2014 йил январь-март ойларида 32,7 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2014 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни бажариш доирасида "Ўзкимёсаноат" ДАК корхоналари томонидан 18,24 млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилди

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада тузилган шартномаларга биноан 40 млрд.сўмлик маҳсулот компания корхоналари томонидан сотиб олинди.

90 янги иш ўрни, шу жумладан касаначилик асосида 24 иш ўрни яратилди.

Худудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларидаги мавжуд техникалар ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2014 йил январь-март ойлари давомида 6,1 млрд.сўмлик агрокимёвий хизматлар кўрсатилди. Жумладан: 264,3 млн.сўмлик 25,6 минг тонна компост тайёрланди ва сотилди, 130,1 минг тонна органик ва 143,35 минг тонна минерал ўғитлар фермер хўжаликлари экин майдонларига етказиб берилди. 237,5 минг гектар ғалла майдонларида минерал ўғитлар сепилиб, суспензия тадбирлари ўтказилди.

**Ўзкимёсаноат" ДАК матбуот хизмати**